

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ҒАЛАБАСИГА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**Хидирова А. Т., 110- гуруҳ 2 педиатрия ва тиббий биология факултети
Илмий раҳбар: доцент, т.ф.н., Каримова М.Ж.**

ТошПТИ, Фуқаролик жамияти, педагогика ва психология кафедраси

Долзарблиги: Иккинчи жаҳон урушининг қозонилган ғалабасига 76 йил бўлди. Бугунга келиб урушда қатнашган фаҳрийлар камайиб бормокда. Биз ёшлар бу даврни ўрганишимиз, ундан тўғри сабоқ чиқаришимиз учун , бугунги глобал даврда бундай урушларга йўл бермасдан, ёшларимизни бундан ўзига тўғри хулосалар қилишлари ва соғлом турмуш тарзини танлаб ҳаёт кечиришлари учун ҳам бу мавзу долзарбдир.

Мақсад: Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида орқа фронт ўрнини бажариб, фронтда жанг қилаётган жангчилар учун керакли бўлган нарсалар билан таъминлаб келди. Бундан ташқари Урушнинг биринчи кунлариданоқ урушга борадиган ўғил ва қизларини урушга сафарбар этди. Фронт ичидаги завод ва фабрикалар аҳолиси билан Ўзбекистонга эвакуация қилингандан кейин, уларни тез кунда ишга тушириб, фронтга керакли ўқ - дориларни етказиб турган. Шу таъмирланиб ишга тушган завод ва фабрикаларда аёлларимиз ва болалар қўлидан келган ишни қилиб ғалабага ўз ҳиссасини қўшганлар. Уруш бўлаётган ерлардан эвакуация қилинган болаларни нафақат болалар уйларига жойлашган , балки кўплаб ўзбек оилаларига фарзандлари қаторида эътибор бериб қараб, меҳр беришган.

Жангчиларни даволашда эвоко госпиталлар ҳам Ўзбекистонга кўчирилиб бу госпиталларда ўзбек халқидан чиққан хамшира ва шифокорлар фидокорона меҳнат қилганлар. Ўзбекистон 1941 йили пахтани минг тонна терган бўлса, уруш жараёнига тортилгани учун фақат эҳтиёжга керагини териб, ундан ярадорларга ишлатилган пахталарни ва ип- газлама учун фронтда хизмат қилаётган жангчиларга ҳарбий кийимлар тайёрлаб юборганлар. Урушда ярадор бўлганларга Ўзбекистон халқи донорлик қилиб қон ҳам берган.

Урушни ғалабасини тезроқ таъминлаш мақсадида, Ўзбек халқи ўзининг жамғармаларидаги пулларни йиғишган, бувиларимиз ўзларининг тақинчоқларини ҳам аямасдан танк ва самолотлар сотиб олишлари учун берганлар. Далаларда аёллар трактор миниб ер хайдаганлар. Чунки эркаклар фронтга кетган. Ўзлари емасдан йиғиб қўйган нонларини куришиб фронтдаги жангчиларни есин деб жўнатганлар. Боғдаги сархил мева- чевалардан ҳам жангчилар учун илиниб жўнатганлар. Ёш болалар ҳам оналари ёнига қўшилиб дарсдан кейин далада бошоқ теришга, қанд лавлагиларини етиштиришда катталарга ёрдам берганлар. Қарилар ҳам четда қолмаган, улар ҳам далаларга чиқиб қор тагида қолиб кетган хосилни йиғишга кўмаклашганлар.

Натижалар муҳокамаси: Талабалар ўртасида сўров ўтказилганда Иккинчи жаҳон урушининг ғалабасига Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси ҳақида талабалар ўз фикрларини берганда, бу даврдаги қаҳрамонликларга улар ҳам ижобий баҳо бердилар.

Хулоса: Иккинчи жаҳон урушининг қозонилган ғалабасига 76 йил тўлаётгани бу даврда туғилган чақалокни бир умрни яшаб ўтаётганидан далолат беради. Бу даврдаги оғир шароитларга қарамасдан бизнинг аجدодларимиз ўзларининг кўрсатган қаҳрамонлик наъмуналари билан бизларга ўрнак бўла оладилар. Улардан ўрганадиган нарсалар кўп. Тарихни билиш биз ёшларга келажагимизни белгилашда муҳим омилдир

Адабиётлар рўйхати:

1. Шутеева, Т. В. (2015). Способы коррекции когнитивных и эмоциональных расстройств у пациентов с дисциркуляторной энцефалопатией. Трудный пациент, 13(5-6), 18-21.